

## ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНЛАРИНИНГ ДИАХРОН ТАДҚИҚИ



**Ойбек Сапарбоевич АХМЕДОВ**  
*филология фанлари доктори, доцент*  
*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

### Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек тилидаги солиқ-божхона терминларининг шаклланиши, диахрон тадқиқи амалий мисоллар ёрдамида ёритилган. Ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган (арабий, форсий, эски ўзбек, мўғул тилларига мансуб) солиқ ва божхона терминологиясига оид ўзлашма сўзларга урғу берилган, уларнинг қўлланилиш тамойиллари ва турлари илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, мақолада тарихий-мемуар асарларда қўлланилган солиқ-божхона терминлари ҳам таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** солиқ-божхона терминлари; таржима; тўлов; терминология; закот; дирхам.

## ДИАХРОНИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ НАЛОГОВЫХ И ТАМОЖЕННЫХ ТЕРМИНОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

**Ойбек Сапарбоевич АХМЕДОВ**  
*кандидат филологических наук, доцент*  
*узбекский государственный университет мировых языков*

### Аннотация

В статье рассматривается анализ формирования налоговых и таможенных терминов, а также их исследование с диахронического аспекта с помощью конкретных примеров. Типы заимствованных слоев и принципы их использования относятся к налоговой и таможенной терминологии, которая была изучена (особенно арабская, персидская, староузбекская и монгольская) с научно-теоретической точки зрения. В статье были проанализированы некоторые налоговые и таможенные термины, используемые в историко-мемуарных произведениях.

**Ключевые слова:** налоговые и таможенные термины; перевод; оплата; терминология; “закат”; дирхам.

## DIACHRONIC STUDY OF THE TAX AND CUSTOMS TERMS IN THE UZBEK LANGUAGE

**Oybek Saparboevich AKHMEDOV**  
*Doctor of Philology, Associate Professor*  
*Uzbekistan State World Languages University*

### Abstract

This article deals with analyzing of formation of tax and customs terms, as well as they were researched from diachronically aspect with help of practical examples. Types of borrowed layers and their use principles belong to tax and customs terminology was accentuated (especially, Arabic, Persian, old Uzbek and Mongolian), studied from scientific-theoretical point of view. Some tax and customs terms used in historical-memoir poems were analyzed in the article.

**Keywords:** tax and customs terms; translation; payment; terminology; zakat; dirham.

Ҳар бир терминологик тизимнинг шаклланиши, ривожланиши айти шу соҳанинг таркиб топиб, тараққий эта бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, соҳавий жиҳатдан ўзига хослик касб этади. Шу маънода, инглиз ва ўзбек тили СБ<sup>1</sup> терминологиясининг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланиши ўз тараққиёт йўли, генетик асосларига эга.

Жамиятда давлат тизими шакллангач, давлат бошқарувида солиқ ва божларни ундириш тизими мажбурий равишда йўлга қўйилган. Чунки, ҳар бир давлатнинг ривожланиши, аввало, давлат хазинасининг аҳволига, хазинанинг ҳолати эса аҳолидан йиғиб олинувчи солиқ ва бож тўловлари миқдорига боғлиқ бўлган. Солиқ ва бож тўловлари ҳар бир давлатнинг иқтисодий нуфузи, молиявий аҳволини таъминловчи ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Демак, солиқ ва бож тўловларининг шаклланиши ва таркиб топиш тарихини, уларнинг мазмун-моҳияти, турлари, ўтмишда қандай терминлар билан номланганлигини илмий манбалар асосида ўрганиб, лисоний номинациялар орқали илмий жиҳатдан тадқиқ этишнинг муҳимлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Ўрта Осиё худудида солиқларнинг турлари, шакллари, тўлов тизимлари, ижтимоий – иқтисодий аҳамияти ҳақидаги қарашлар қадимги Миср, Рим, Хитой, Ҳиндистон каби давлатлар тарихининг узоқ даврларига бориб тақалади. Давлатчилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, СБ терминологиясининг шаклланиш тарихи ҳам инсоннинг давлат ва унинг ваколатли тузилмаларидаги солиқ ва бож ундириш фаолияти билан боғлиқ эканлиги англашилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, солиқ ва бож ҳақидаги муайян тушунчанинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги биринчи минг йилликка бориб тақалади. Масалан, жаҳон тарихидан яхши маълумки, бундан 3760 йил муқаддам Бобил давлатида Хамурапи қонунлари билан солиқ турлари жорий этилган. Ўша вақтда ҳозирги Марказий Осиё худудида қабилаларнинг дастлабки сиёсий бирлашмалари пайдо бўлган (10).

СБ терминологик тизимининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши бевосита илк ва ўрта асрлар тарихи билан узвий боғлиқдир. С.П.Толстов тўғри таъкидлаганидек: “Қадимги даврларда Ўрта Осиё шароитида жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг такомиллашиши, илк ерга эгалик, мулкчилик шакллари, илк деҳқончиликнинг ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг таркиб топиши, солиқ тизими ҳамда уларнинг таркибий тузилмаларига оид маълумотларни

<sup>1</sup>Мақолада СБ қисқартмаси “солиқ-божхона” термини ўрнида кенг қўлланилди.

умумлашган ҳолда тадқиқ этишда, шубҳасиз, археологик, этнографик, палеоантропологик, шунингдек, лингвистик маълумотларнинг ўрни бекиёсдир” (5).

Солиқ ва бож тўловлари билан боғлиқ бўлган муносабатлар дастлабки ёзма манбаларнинг пайдо бўлишидан бошлаб то ҳозирги кунгача иқтисодий-ижтимоий категория сифатида кўплаб чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган ва ҳозирги кунгача қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Давлатнинг пайдо бўлиши ва солиқларнинг юзага келиши билан дастлаб аҳолидан натура (пул ўрнини босувчи муқобил мол ёхуд маҳсулотлар) кўринишидаги солиқлар ундирилган. Илк солиқ ва бож тўловлари тизимсиз кўринишда бўлиб, аҳоли солиқларни экинлар ҳосилидан, овлаган ҳайвонларидан ҳамда савдо-сотикдан тўлаган. Бу даврда Ўрта Осиё худудларида яшовчи аҳолидан натура кўринишидаги солиқларнинг асосий объектлари дон ва гўшт маҳсулотлари бўлган. Қадимги даврда солиқлар ва божлар, асосан, давлатнинг муҳофаа чегараси ва ҳарбий кўшин эҳтиёжларига, шаҳар атрофини мустаҳкамлашга, йўл ва ибодатхоналар қурилиши учун йиғилган. Вақт ўтиши билан товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши солиқ ҳамда бож тўловларини ҳозиргидек пул кўринишида тўлашга олиб келган ва солиқлар давлат хазинасини тўлдиришда даромадларнинг асосий манбаига айланган.

Ҳ. Дадабоев тадқиқотларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳа лексикасининг тараққиёти яхши очиб берилган. Олимнинг деярли барча илмий ишлари терминология муаммолари тадқиқига бағишланган бўлиб, қадимги туркий тил (VI–X), эски туркий тил (XI–XIV) ва эски ўзбек адабий тили (XV–XIX)да фаол қўлланилган айрим тарихий солиқ ҳамда божхона терминларининг тадрижий этимологияси ўзбек тили мисолида илмий жиҳатдан кенг қамровли таҳлил этилган (4). Унинг юқорида зикр этилган илмий ишлари терминлар тарихидан бой фактик-аналитик материал берибгина қолмай, ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий терминология тизимида ишлатилган ўз қатлам катори, арабий, форсий, мўғул тилларига мансуб ўзлашма қатлам хусусида ҳам тасаввур туғдиради. Унинг ишларида ўрхун-енисей битиглари, эски туркий тил обидалари ва эски ўзбек тили манбаларида қўлланишда бўлган терминлар маъноси, уларнинг маъно нозикликлари аксарият ҳолда ёдгорликлардан келтирилган ашёвий-далиллар ёрдамида изоҳланган. Жумладан, қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

**тутқавул – тутхавул – тутғавул** (мўғ.) – бож йиғувчи, бож ундирувчи.  
*Қачон бу тутхавуллар кетса йўлдан, сен ўз йўлинг кўруб хўд билгасан.*  
*Буюрди, тутғавуллар қўйди божин.* Шунингдек, **баж** (ар.) – ўлпон, солиқ,

тўлов. *Бутақлар алды бустандын йана баж. Суюрғал* (т.ўз.) – зодагонларга маълум шарт ва имтиёзлар асосида бериладиган ер-мулк, *суюрғал* эгаси давлат ҳисобига тўланиши зарур бўлган солиқлардан озод қилинган. **Шикдор** (ф.) – солиқ йиғувчи ҳарбий-маъмурий амалдор, **муҳассил** (ар.) – хирож йиғувчи, **муҳосиб** (ар.) – ҳисобчи, **тархон** – солиқлардан озод қилинган ва бошқа имтиёзларга эга шахс ва бошқалар (4). Ҳ. Дадабоевнинг ишлари фақат сиёсий, ҳарбий, солиқ, божхона, молия, дипломатия терминологиясинигина эмас, балки ўзбек тили терминологик тизими тарихини ёритишга бағишланган кенг қамровли тадқиқот иши ҳисобланади. Унинг докторлик диссертацияси ва монографияси она тилимиз терминологиясининг тарихий илдизларини янада чуқур ва аниқроқ тасаввур этишга, терминология тарихини ўрганишга бағишланажак ишларнинг юзага келишига муносиб ҳиссасини қўша оладиган, муҳим амалий аҳамиятга эга салмоқли фундаментал тадқиқотдир. Бироқ, мазкур тадқиқот ишлари ўзбек тили терминологияси ва унинг тарихига бағишланганлиги учун, унда хорижий терминларнинг ўзлашиши ва уларни таржима қилиш муаммолари, лингвистик ҳодисаларнинг терминологияга таъсири натижасида юзага келадиган ўзгаришлар, терминологик бирликлар маъноларида кучайиб бораётган стилистик ва фразеологик аспектлар билан боғлиқ конотатив хусусиятларнинг терминлар таржимасида акс этиши масалалари ёритилмаган.

Шарқда илк солиқ ва бож тизими ҳамда терминлари хусусидаги маълумотлар Хитой солномалари (Хун давлати, Турк ҳоқонлиги), шунингдек, Турфон харобаларидан чиққан ёзма матнлар (V–VI аср) да учрайди (3). Улар қадимги туркий, суғд тилларида бўлиб, будда ва моний жамоалари томонидан битилган.

Масалан, бугунги кунда Берлин фондида сақланаётган Т.М.222 кўрсаткичли Булмиш исмли кишининг солиқ тўлаш мақсадида Қара Ўғулдан қарзга олган кумуш танга учун берган тилхатида қуйидаги қўлёзма келтирилади.

*Asiği bilä köni berür-men. Berginçä yoq (ba)r bolsar-men kišim Tüzüg köni (b) ersün.* Маъноси: “(Кумушни) фойдаси билан тўлиқ қайтараман. Бергунча йўқ-бор бўлсам (борман-йўқман), хотиним Тузуг тўлиқ берсин”. Матнда беримчи беримни кишиси (хотини) Тузугни ўртага қўйиб кафолатламоқда (9).

Айрим манбаларда таъкидланишича, ўзбек тили СБ терминларининг илк бор вужудга келиши бевосита VII–VIII асрларга бориб тақалади. Чунки, VIII асрда араб ҳалифалигининг Мовароуннаҳр ҳудудини босиб олиши бу ердаги ижтимоий-иқтисодий тизимнинг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Ислом дини ҳудуд аҳолиси ҳаётининг барча жабҳаларини, ички ва ташқи савдо муносабатларини қамраб олди. Араблар фатҳидан сўнг солиқ ва божхона фаолиятида содир бўлган энг катта ислоҳот, бу ягона солиқ тўлови “*закот*”нинг жорий этилиши бўлди. Чунки закот тўлаш Исломда номоз ўқиш, рўза тутиш каби “диннинг асосий беш устунидан бири” ҳисобланар эди (10).

Тарихий манбаларда таъкидланишича, “закот” ислом дини илк вужудга келган даврларда ўзининг шахсий мол-мулкига эга бўлган мусулмон киши томонидан ихтиёрий тарзда Худо йўлига бериладиган хайр-садақа сифатида вужудга келган. Мусулмон давлатларида (хусусан, хонликлар даврида) “Закот барча мол-мулк ҳисобидан бир йилда бир маротаба, қирқдан бир миқдорида берилган. Закот камбағалларга ёрдам беришга сарфланган, адолатли уруш учун мўлжалланган. Шунингдек, у феодал мусулмон давлатларида ҳайвонлар ҳисобидан, хунармандчиликдан, сотишдан олинган фойдадан, нақд пуллардан, қимматбаҳо буюмлардан олинган”(6).

Н. Иброҳимовнинг таъкидлашича, даврлар ўтиши билан закот ўзининг дастлабки хусусиятини ўзгартира борган. Натижада мазкур термин ўзининг кўчмас мулкдан закот тўлаш маъносини йўқотиб, фақат ҳозирги кундаги “**божхона тўлови**” сифатидаги маъносини сақлаб қолган (8). Чунончи, “закот” термини ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримнинг 9 та сураси, 60 та оятида келади.

Аслида закот термини полисемантик хусусиятга эга лексемадир. 1. *Закот* – шариат ҳукми бўйича пулдор, молдор мусулмон кишининг ўзига қарашли мол ва пулининг қирқдан бир улуши миқдорида рўза вақтида бевабечоралар, етим-есирлар ва камбағал-қашшоқларга берадиган хайр-садақаси бўлиб, закот бериш ислом динининг беш асосий талабларидан саналган. 2. *Закот* – араблар фатҳидан сўнг вужудга келган термин ҳисобланади. Ўрта Осиё хонликларида чорва ва мол-мулкнинг, умуман бир йиллик даромаднинг қирқдан бир қисми миқдорида ҳар йили давлат хазина фойдасига олинадиган солиқ туридир (1).

Тўпланган илмий маълумотларга асосан **божхона тўлови** терминининг вужудга келиш этимологияси бевосита *закот* термини билан боғлиқ эмас, аксинча, у даставвал “хайрли ёрдам, садақа, моддий ёрдам” маъноларида кенг қўлланилиб, араблар томонидан босиб олинган ҳудудлардаги аҳолидан ундирилган диний солиқ сифатида шаклланган тушунча билан боғлиқлигини кўрсатди.

“Темур тузуклари”да “...келиб кетаётган савдогарлар мол-мулкидан олинадиган *закот* ва *божларни*, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ-



ййловларини бошқариб, буларнинг барисидан ййгилган даромадларни омонат тарзида сақловчи вазирдир” – дейилади.

Л.З. Будагов, В.В. Радловнинг илмий изланишларида ҳам **закот** терминининг деривацион-этимологик жиҳатлари атрофлича ўрганилган. Араб халифалигининг дастлабки ййлларида закот фақат мусулмон давлатларида жорий этилганлиги, ислом анъаналарига кўра, маълум бойликка эга бўлган мусулмон кишилар кўчмас-мулк, савдо-сотик ва чорва молларининг қирқдан бир миқдоридида закот берганлиги қайд этилган (2).

Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги тугагач, X асрда Сомонийлар ҳукмронлиги барпо этилади. Сомонийлар даврида божхона тўловлари ва божхона назорати асосан Амударёнинг кечув жойларида ҳамда энг асосий карвон йўлларида жорий этилган бўлиб, ҳар бир туядан икки дирҳам, от ёки эшакка юкланган мол-мулкдан бир дирҳамдан ундирилган. Кумуш ёмби (қуйма)лар фақат Бухорога олиб кирилиши зарур эди ва шунинг учун улар божхона назоратига олиниб, тегишли манзилгача кузатиб борилган (10).

Товарларнинг тўхташ жойида ярим дирҳамдан бир дирҳамгача бож ундирилган. Асир қулларни ҳукумат томонидан бериладиган махсус рухсатномалар асосидагина олиб кириш мумкин эди. Бундай рухсатномалар берилиши учун 70 дирҳамдан 100 дирҳамгача бож олинган. Аёл асирларни олиб ўтганлик учун 20–30 дирҳам бож тўланган.

Тарихий солиқ терминларининг айримлари туркий луғатчиликнинг асосчиси бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида *ирт*, *берт* сўзларининг морфемик негизи асосида шаклланган *бирт*, *берт*, *бэр* шаклида, солиқни “бермоқ, тўламоқ”, *рабжат* (солиқ солиш учун чек қилиб олинадиган оила ёки оиладаги ишга яроқли кишилар), *капсан*, *кефсён* (солиқнинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маълум қисмидан бериладиган тури), *чатба*, *чатыба* (суғориш ишларида иштирок этмаган кишилардан ундириладиган солиқ тури) сингари туркий тилда мавжуд бўлган солиқ терминлари кенг қўлланилган. “Девону луғатит турк” асарини кўздан кечириш шуни кўрсатадики, унда қўлланилган баъзи иқтисодий терминлар ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам айрим жузъий фонетик ўзгаришлар билан қўлланилмоқда. Жумладан: *олди* – *сотди*, *савдо* – *сотик* ва бошқалар.

Асарда ўз ифодасини топган баъзи лексемалар давр ўтиши билан истеъмолдан чиқиб, ҳозирда архаизмга айланганлигини қуйидаги терминлар билан изоҳлаш мумкин: *ўтунч/бергу* – *қарз*; *ўрунч* – *пора*; *ўгур* – *давлат*; *сарт* – *савдогар*; *терчи/музд* – *ишчи* ва ҳ.

Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида, Маҳмуд Замаҳшарий луғатида, Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарида ҳозирги

Ўзбек адабий тилидаги *солиқ* термини *салыг* – *салық* – *саларлык* шаклида, *тўлов* лексемаси эса *тўлак*, *тўлаёв* тарзида қайд этилади. В.В. Радловнинг таъкидлашича, Қрим ва Литва ҳудудларида яшовчи туркий халқларга мансуб бўлган караим элати тилида *тўлаёв* сўзининг маъноси *тўлаш*, *тўлов*, *пул мукофати*, *ҳақ* маъноларини ўзида ифода этади. *Албан* терминининг генофонетик ўзгаришга учраган ўзбекча *олпан* шакли, уйғур, тувин, лобнор тилларида эса *алван*, мўғил тилида *алба* (*н*) шакллари мавжуд (4).

Ўзбек тилидаги тарихий СБ терминларини Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам учратиш мумкин. “Бобурнома” асаридан келтирилган қуйидаги матн парчасига эътибор беринг: *Чаҳоршанба кунин Борик об тушганда Ҳиндустонда қалган Нурбекнинг иниларидин йигирма минг шоҳрухийлик олтун ва ашрафий ва тангаким, Хожса Хусайн девон Лаҳўр холисотидин йибориб эди, келтурди. Аксарини Мулло Аҳмад Балх арбобидин Балх маслаҳати учун йиборилди* (7).

Кузатиладики, “Бобурнома” асаридан келтирилган матн мазмунидан давлат бошқарув тизимида фискал (солиқ-ғазна) сиёсатининг тутган ўрни, назорати ва унинг аҳамияти қай даражада муҳим бўлганини англаш мумкин.

Қуйидаги жумла ҳам фикримизни тасдиқлайди: *Ҳар ким подшоҳ бўлса, яна янги хизона йиғмоқ керак. Хизона жамъ қилмоғлиқ ул элнинг қошида фахр ва мубоҳоттур. Яна бир расм будурким, хизона ва пойгоҳ ва мулк салотининг жамиъ байтутотининг қадимдин муқаррар ва муайян танлари парганалар бордурким, ўзга ерга асло харж бўлмас* (7).

Юқоридаги жумлаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдили қуйидагича: *Кимки тахтга чиқса, аввалги подшоҳнинг бойлигини сарф ва харж қилишни мутлақо айб, уят ҳисоблаган. Ҳазина тўплашни халқининг олдидаги фахр ва мақтовга сазовор иш, деб билишган. Яна шундай одат борки, хазина, отхона, мамлакат подшоҳининг жами кўч-кўрони (лашлушлари) учун кетадиган харажатлар қадимдан белгилаб қўйилган муайян вилоят ва туманлардан тушадиган даромадлар ҳисобидан қопланади; бу даромадлар бошқа мақсадлар учун сарф этилмайди.*

Англашиладики, Бобурийлар сулоласининг ҳукумронлиги даврида амалда қўлланилган айрим солиқ номлари, терминлари, антропонимларнинг макроқўламини ташкил этувчи лақаб ва тахаллуслар билан бирга ҳам ишлатилган. Қуйидаги жумлага эътибор беринг:

...Юнусхоннинг катта қизи, менинг онамнинг туғишган эгачиси эди. Яна бири **тархонлардан**<sup>2</sup> эди, уни Тархонбегим дер эдилар. Яна бири Қутуқбегим, ўша Тархонбегимнинг кўкалдоши эди (7).

Асарда ўша даврда солиқ соҳасида кенг қўлланилган, аммо бугунги кунга келиб архаик саналган *мирохўр* полисемантик терминини ҳам учрайди. *Мирохўр*<sup>3</sup> – 1) хирож ва бошқа мажбурий тўловлардан тушган даромадларни назорат қилувчи амалдор шахс; 2) хон отбоқарларининг бошлиғи.

Шу куни Абдулазиз *мирохўрнинг Лаҳўрдан жумод ул-аввал ойининг йигирманчисида битилган хабари келди*(7).

“Бобурнома”да солиқ ва божларга доир эски ўзбек тилида қайд этилган *муҳассил, жогир (жагир, жойгир), мирохўр, таққабул ёрмоғи, тархон, ушра* каби терминлар учраса, умуман, биз учун темурийлар даврида солиқ тизими ҳақида батафсил маълумот берувчи нодир манбалардан бири “Темур тузуклари”да эса *шилон, молу жиҳот, қалақчи, тоғар, барот, туюл (тиюл), холиса, суюргал, хирож, раият, вақф, жогирдор*<sup>4</sup> шаклидаги терминлар кенг ишлатилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Тохиржон. Самария// Наршахий. Бухоро тарихи// Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий// Ибрат. Фарғона тарихи. – Т., 1991. – 335-б.
2. Будагов Р.А. Слово и его значение. – Л., 1976. – 64 с.
3. Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Кн №2. – М. – Л., 1950. – 335 с.
4. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV вв: Дис...д - ра филол.наук. – Т., 1991. – 404 с.
5. Толстов С.П. Основные вопросы древнейшей истории Средней Азии. ВДИ. №1. – М., 1938. – С. 176–203;
6. Таджиханов У. Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – 614-б.
7. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т., 2008. – 368-б.
8. Иброҳимов Н. Хидоя. – Т.: Шарқ, 2000.
9. Содиков Қ. Турфон обидалари // Шарқ машғали. Т., 2012. № 1. – Б. 12–16.
10. Шаулов Д.И, Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. – Т., 1999. – 336-б.

<sup>2</sup>Тархон сўзининг тарихий этимологик шакли *дархон*. Тархон термини турли солиқ ва божлардан озод қилиниб, имтиёзлар берилганлиги қайд этилган ёрлик. Шундай ёрликларга эга бўлган шахслар *тархонлар* деб ҳам юритилган.

<sup>3</sup> *Мирохўр, ярлык, тамга, тамгачи* каби тарихий терминлар XVI–XVII асрларда Ўрта Осиё хонликлари элчиларининг рус подшоҳи, князлари билан йўлга қўйган дипломатик муносабатларига оид хужжатларда учраши кузатилади. Қаранг: Кулмаматов Д.С. Среднеазиатские дела посольского приказа как источник для истории русского языка: Автореф.дис...д - ра филол.наук. – М., 1995. – С. 39.

<sup>4</sup> “Темур тузуклари” матнидаги *жогирдор* – подшоҳ олдидаги алоҳида хизматлари учун солиқ йиғиш ҳақи билан ер тортиқ қилинган мансабдор шахс. Ушбу термин Бобурийлар даврида ҳам қўлланилган, аммо ундан олдинги манбаларда учрамайди. XIII–XIV асрларгача у *иқтаъ* шаклида, XVI асргача кўпроқ *суюргол* шаклида, Бобурийлар даврида эса *жогир* дея аталган.